

**ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (ШАХОДАТ ИСАХОНОВАНИНГ “БИБИХОНИМ”
РОМАНИ МИСОЛИДА)**

Шоирахон УМАРОВА

директор

“Маърифат битиклари” нашриёти

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада таниқли ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг “Бибихоним” тарихий романидаги мулоқот жараёнида инсон руҳияти бадий талқинидаги психолингвистик хусусиятлар тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: руҳий зиддиятлар, мулоқот психологияси, лингвистик ва паралингвистик воситалар, ибора, нутқий акт, локутив акт, иллокутив акт, перлокутив акт.

**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ
ПРОЦЕССОВ (НА ПРИМЕРЕ РОМАНА «БИБИХАНИМ» ШАХОДАТ
ИСАХОНОВОЙ)**

Шоирахон УМАРОВА

директор

издательства «Маърифат битиклари»

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье исследуются психолингвистические особенности художественного осмысления психологии человека в процессе общения в историческом романе «Бибиханым» известной писательницы Шаходат Исахановой.

Ключевые слова: психологические конфликты, психология общения, языковые и паралингвистические средства, фраза, речевой акт, локутивный акт, иллокутивный акт, перлокутивный акт.

Бадий асар қаҳрамонлари характерини тўғри талқин қилиш учун психологизм қирраларига оид сон-саноксиз штрихларни англаш, образ кечинмаларини, унинг мураккаб ички дунёсини тўғри очиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, муаллиф томонидан қаҳрамон психологиясини кўрсатиб берадиган хатти-ҳаракатлар, воқеликка оид деталларни ҳаётий ҳақиқат билан мувофиқлаштирган ҳолда англаб олиш учун ички ва ташқи омилларни ўрганишга эҳтиёж туғилади. Ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда бадий психологизм масалаларини ўрганишга бағишланган қатор

тадқиқот ишлари юзага келди. Бироқ, бадиий асарлардаги воқелик ва характерларнинг психологик омиллари лингвистик аспектда деярли ўрганилмаган.

А.Н.Андреевнинг бадиий асар психологизми ҳақидаги назарий қарашлари диққатга сазовор. Олимнинг қайд этишича, *ҳар бир буюк психолог ёзувчи бўла олмайди, лекин ҳар бир буюк ёзувчи буюк психологдир.*

Психологизм – бу шунчаки кечинмалар (ҳар қандай интенсификациядаги) эмас, балки дунёқарашга айланади (ёки *дунёни англаш* бошланғич босқичидан *дунёқарашга* томон ривожланиб боради). Шунга мувофиқ, психологизм шунчаки кечинма эмас, балки характернинг эстетик структурасидир [1; 98-107].

А. Н.Иезуитов бадиий психологизм тушунчаси доирасида гарчи бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, лекин айтилиши вақтда бир-биридан фарқланувчи уч асосий мезонни ажратиш кўрсатади.

Биринчидан, психологизм сўз санъатининг умумий белгиси, унинг органик хусусияти, бадиийлик далили сифатида ишлайди. Демак, ҳар қандай ҳақиқий санъат у ёки бу тарзда инсон психологияси билан шуғулланади, ихтиёрий ёки беихтиёр унга мурожаат қилади. *Иккинчидан*, психологизм бадиий ижод маҳсули сифатида, муаллиф шахсияти, унинг психологияси ва у яратган қаҳрамонлар образлари, кенгроқ айтганда, ижтимоий психологиянинг (синф, мулк, ижтимоий гуруҳ, давр ва бошқалар) ифодаси ва акси сифатида намоён бўлади. Турли тарихий даврлар ва адабий анъаналарга оид адабиёт орқали муаллиф, қаҳрамон, жамият психологияси ҳақида объектив тасаввурга эга бўламиз. *Учинчидан*, онгли ва белгиловчи эстетик тамойил сифатидаги психологизм мавжуд. Бунда, психологизм бадиий ижоднинг махсус, асосий ва бевосита мақсади ва вазифаси сифатида ишлайди. Ифода ва тасвирнинг асосий ва бевосита объекти, айнан, инсон психологияси бўлиб, психологизм эса уни гавдалантириш ва очиш усуллари ва шакллари махсус ва мақсадли ишлаб чиқиш (психологик таҳлил)дир [3; 39-57].

Бизни ана шу жараёнлар тасвиридаги вербал/новербал белги ва воситаларнинг ишлаши қизиқтиради.

Инсоннинг жамиятдаги ижтимоий мавқеига кўра фарқланишдаги рухий зиддиятлар азал-азалдан умуминсоний муаммолардан бири сифатида ўрганиб келинади. Бу ҳолат бадиий адабиётда ҳам қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувлар динамикасини очиб беришда етакчи унсурлардан бири сифатида талқин қилиниши табиий.

А.Н.Андреевнинг фикрига кўра, психологизм инсон рухий оламининг чуқур зиддиятлари, яъни, ахборотни бошқаришнинг икки тури – *ақл ва руҳият ўртасида* зиддиятлар мавжуд бўлган жойда пайдо бўлади [1; 107].

Фақирона кулбада очин-тўкин яшаган Шод Мулкнинг шоҳона ҳаёти мискин ота-онанинг кўзини камаштирса-да, бу зиёдалиқни ўзларида хазм қилишга қийналадилар. Муаллиф ана шу психологик вазиятда бир томонда ота-она, бир томонда маликага айланган қизнинг рухий дунёсини қуйидаги полилог (иккидан ортиқ шахс суҳбати)да жонли ва теран очиб бера олган.

– *Янги уйга кўчмадингизму? - қадрдон остонасидан ҳатлай туриб онасига сўз қотди Шод Мулк.*

– *Қайдам... Сенинг... Сизнинг келишингизни кутдик! - ранги униқиб, тақирлашган жулқурсга уялибгина кўрпача ташлади онаси.*

– *Ўзимизнинг уйимиз ҳам ёмонмас, - отасининг эсига қаршисида қизи эмас, малика тургани тушиб, беихтиёр қўлларини қовуштирди. - Фақат... битта устахона сотиб олсак ёмон бўлмас эрди... Ҳозир қилич бирлан қалқоннинг бозори чаққон.*

– *Энди устачилик қилмайсиз, падари бузруквор, - устанинг гапини бўлди Шод Мулк қатъий овоз билан, - энди подшоҳлар киби яшайсиз!*

Уста ҳеч қачон етиб бўлмайдиган ҳавойи гапни эшитаётгандай хижолат чекиб, дам хотинига, дам жсиянига қараганича изтиробли жилмайди [5].

Ота-онанинг ўз қизлари олдидаги хижолатли ҳолатлари тасвири ёрқин ифодалар орқали китобхон кўз олдида гавдалантирилади: ўз қизини *сенлаб*

ўрганган онанинг иккиланиб сен олмошини *сизга ўзгартириши, уялибгина кўрпача ташлаши, отанинг беихтиёр қўл қовуштириши, изтиробли жилмайши.*

Ушбу ифодалардаги сен олмошининг сизга алмашиши лингвистик восита бўлса, *уялибгина кўрпача ташлаш, беихтиёр қўл қовуштириши, изтиробли жилмайши* ҳолатлари паралингвистик воситалардир. Шаҳодат Исахонова мулоқот жараёнида коммуникантларнинг руҳиятини очиб бериш учун паралингвистик воситалар тасвиридан унумли фойдаланади.

Паралингвистик воситалар мулоқот жараёнида муҳим коммуникатив аҳамиятга эга бўлган ёрдамчи тизим сифатида тил birlikларининг функционал хусусиятлари, услубий бўёқдорлигини янада тўлиқроқ таъминланишига ёрдам беради, «шароитга қараб нутқни маълум меъёрга келтириш, хусусан, ихчамлаштириш, адресантнинг мақсадини аниқ ифодалаш вазифасини бажаради» [4; 41].

Д.Рустамов оғзаки нутққа хос паралингвистик воситалар сифатида куйидагиларни таснифлайди:

1. *фонaцион воситалар*: овоз тембри, оҳанги, пауза, керакли ўринларни овоз ўзгариши орқали таъкидлаш.

2. *оптик воситалар*: кўз орқали имо-ишоралар;

3. *мимика*: юз ҳаракатлари;

4. *кинетик ёки «пантомимик» воситалар*: бош ва гавда ҳаракатлари.

Хизр қавчин шошиб қолди, қизариб, оқарди. Пешоналари, кафтлари жиқ терлади. Оғирлигини курсининг суянчигига ташлаб:

- Мен... Ҳазрати олиялари Бибихонимнинг... - деб сўз бошлади-ю, кўзи Халил Султоннинг совуқ нигоҳига тушиб, каловланди [5].

Бундай паралингвистик ифодаларнинг қатор келиши бир томондан Бибихонимнинг хабарни сир тутиш ҳақидаги буйруғи, иккинчи томондан Халил Султон ва Шод Мулкнинг интенционал истак мақсадида унга психологик босим ўтказиши ортидан қийин аҳволда қолган мулозимнинг

рухий ҳолатини ёрқин ифодалашга хизмат қилган ва тасвир экспрессивлигини таъминлаган.

Шод Мулкнинг ўзига хос мураккаб характери адиба томонидан турли психологик вазиятлар, атрофидагилар билан қай тарзда мулоқот қилиши негизида очиқ борилади.

Тусийнинг кейинги икки калимаси Шод Мулкка ёқмади, энсаси қотганича, "кечирасиз..." деб луқма ташлаган жойида, шахзоданинг зардали ва Бобо Турмушнинг илтижоли нигоҳларини кўриб, гапини ичига ютди [5].

Тусийнинг гапларига нисбатан муносабатини хатти-ҳаракатида, мимикаларида очиқ сездириб турса-да (бунда унинг Халил Султоннинг хайрихоҳлигидан куч олиши сезилади), шахзоданинг зардали нигоҳи ортидан гапини ичига ютишга мажбур бўлади. Бир жумланинг ўзида энсаси қотмоқ, луқма ташламоқ, ичига ютмоқ ибораларининг қўлланиши ёзувчининг халқ тилини ниҳоятда яхши билиши ва ўринли фойдаланишидан далолат беради.

Прагматингвистик таълимотга кўра, адресант ва адресат ўртасидаги ахборот етказиш жараёни *локутив, иллокутив ва перлокутив* сатҳлардан иборат нутқий акт орқали юборилади [6]. Биринчи бор Ж.Остин нутқий актни сўзлаш акти (локутив), сўзловчи нияти (иллокутив) ва нутқий таъсир этиш (перлокутив) актидан иборат деб кўрсатади [6; 22-130]. Нутқий акт бир жумлада ана шу сатҳлар умумлашмаси асосида ҳосил бўлади.

Ж.Серль, А.В.Дорошенко, М.Ҳакимовлар пропозиционал актни ҳам жумланинг нутқий актига алоқадор ҳодиса сифатида киритадилар. Гап шундаки, М.Ҳакимов фикрига кўра, *локутив, иллокутив ва перлокутив* актлар прагматикага тегишли, *пропозиция* масалалари билан эса семантика шуғулланади. Пропозиция тушунчаси жумладаги асосий ахборот бўлиб, сўзловчи воқеликни баён қилишда тилдан фойдаланади. Тилдан маълум мақсад йўлида фойдаланиш давомида унда маълум бир воқеликнинг акс этиши пропозиция ҳисобланади. Демак, нутқ предмети ҳақидаги асосий ахборот жумла пропозициясини ташкил қилади [10; 32, 59, 60].

Лисоний мулоқот тизимида коммуникантлар ўртасида ўзаро нутқий таъсир масаласи муҳим аҳамиятга эга. Нутқий таъсир мақсадида сўзловчи бевосита (эксплицит) ёки билвосита (имплицит) нутқий акт орқали мулоқот самарадорлигини таъминлайди, тингловчи эса узатилаётган ахборотни идрок этади. Нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва унинг воқеланиши бевосита сўзловчининг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқдир. Адресат нуқтаи назаридан қаралганда эса, асосий эътибор нутқий актнинг прагматик таъсирини аниқлашга қаратилади. Лисоний структура ва коммуникатив мақсад ўртасидаги номутаносиблик билвосита нутқий ҳаракатни юзага келтирувчи кўрсаткичдир [7; 77-115].

Нутқий актнинг сўзловчи томонидан узатилиши ва адресат томонидан идрок этилишида ҳамда нутқий таъсирнинг кучи амал қилишида психолингвистик омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди.

– Ҳурматли бек, – Шод Мулкнинг гўзал чехраси янада мулойимлашиб, жиддий тортди, – аввал бир тиловат қилинг...

Шод Мулкнинг мулойим, лекин амирона овозидан ўзига келган бек тўғриси айтиши мавриди тугилганидан қувонди. Бошини қуйи эгганича силкиниб-силкиниб йиғларкан, пичирлаб, титраганича тиловат қилмоққа тутинди. Узундан-узун суралардан сўнг:

– Илоҳи омин! У дунёга рихлат қилган барча бандаи мўминлар қатори улуг соҳибқирон Амиримиз Темурбек Тарагай ўғилларининг ҳам жойлари жаннатдан бўлсун! – деди.

Тиловат тугагини бетоқатлик билан кутаётган Шод Мулкнинг чехраси бирдан ёришди. Узун енгларидан кўринар-кўринмас чиқиб турган оппоқ, нозик қўлларини фотиҳага очиб, Хизр қавчинга жўр бўлганича, Халил Султон томонга маъноли назар ташлаб қўйди [5].

Хизр қавчин Халил Султонни Самарқандга таклиф қилиш учун келган, бироқ Соҳибқироннинг ўлими ҳақидаги хабарни сир тутиш топширилган эди. Шод Мулкнинг айёрона тадбири туфайли у сирни очишга мажбур бўлади. Яъни мусулмон одамнинг Қуръон тиловат қилиши баробарида ёлғон

сўзлай олмаслиги, Амир Темурдек зотнинг ўлими ҳақидаги хабарни айтмаслик ўша давр кишиларининг этнопсихологик дунёқараши учун оғир синов эди. Хизр қавчиннинг руҳияти бундай зарбага дош беролмайди ва *«Илоҳи омин! У дунёга рихлат қилган барча бандаи мўминлар қатори улуг соҳибқирон Амиримиз Темурбек Тарагай ўғилларининг ҳам жойлари жаннатдан бўлсун!»* - тарзида дуо қилади. Шод Мулк томонидан ижро этилган билвосита иллокутив акт – *ўлим ҳақидаги хабарни билиш истаги аввал бир тиловат қилинг* жумласи орқали имплицит тарзда узатилди. Буйруқ актининг иллокутив кучи таъсирида адресат Қуръон тиловат қилади ва якунида сирни ошкор этади. Адресатни гапиришга мажбур қилган ситуатив вазият натижасидаги ана шу жараён – *перлокутив акт* ҳисобланади.

Нутқ ҳаракатининг мақсадга мувофиқ деб тан олинishi коммуникатив маънода – муваффақиятли. Нутқ актининг долзарблигини таъминлайдиган шартлар бажарилиб, унинг натижаси сўзловчи (Шод Мулк)нинг коммуникатив нияти амалга ошди. Шу тариқа, сўзловчининг нутқий ҳаракати натижасида адресат кутилган хабарни етказди.

Демак, иллокутив акт орқали сўзловчи суҳбатдошининг онгида айрим ўзгаришларни амалга оширар экан, маълум натижаларга, яъни *перлокутив актга* эришади ва тингловчини бирор-бир хатти-ҳаракатни амалга оширишга йўналтиради.

Асарда Шод Мулк характерининг ноқислиги сабаблари ўз онасининг сўзлари орқали тавсифланиши ижодкорнинг ўзига хос топилмасидир. Қуйида романдан яна бир парча келтирамиз:

Уни, Шод Мулк қизингизни, мен учун, ёлғизини йўқотиб, топган бир она учун кечиринг, бибим! Уни қарғаманг, уни лаънатламанг! У ҳали ёш, у ҳали гўдак! Қаранг, не қилаётганини-ю, не сўйлаётганини билмаётир! Уни мен тарбия эта билмадим! Уни гўдаклигинда олиб кетишиб эрди! Ота-онадин жудоликда, гам, алам, соғинч ичинда ўсди ул шўрлик! Феъландаги бул ноқисликлар балки ўшал кўргуликларнинг нуқсидур, бибим! Биламен,

қизимнинг сиздин жон қарзи бор! Ҳозир ҳар кимнинг сўзига учиб, саркашлик этаётир, лек бугун бўлмаса, эртага тушунадур, ишиооллоҳ! Унинг кўзи очилишини Оллоҳдин илтижо қилиб сўраймен! Сиз мен учун, муштипар бир она учун уни кечиринг, биби она! [5].

Умуман, персонажлар характерини очишда психологик тасвирнинг лингвистик ва паралингвистик усул ҳамда воситалари бадий образнинг психологик олами – ички ва ташқи зиддиятлар билан тўқнашувидаги драматизмни реал ва ишонарли тасвирлашда муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреев А.Н. Лекции по теории литературы: учеб. пособие для студентов вузов. – Минск: Наука, 2012. – 160 с.
2. Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: “Nurafshon business”, 2021. – 214 б.
3. Иезуитов А. Н. Проблемы психологизма в эстетике /литературе. // Проблемы психологизма в советской литературе. – Ленинград: Прогресс, 1970. – 254 с.
4. Искандарова Ш. Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари. филол.фан.номз...дис. – Самарқанд: СамДУ, 1993. – 186 б.
5. Исахонова Ш. Бибихоним. – Тошкент: Маърифат битиклари, 2022. – 480 б.
6. Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 17. Теория речевых актов. Сборник. – Москва: Прогресс, 1986. – 268 с.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – 162 б.
8. Толстой Л. О литературе. – Москва: Советский писатель, 1972. – 314 с.
9. Умунов Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. Тошкент: Фан, 1983. – 196 б.
10. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Фарғона: Классик, 2022. – 346 б.